

ланиши натижасида сифати паст бўлмокда. Бунинг асосий сабаби ифлосланган жунни тозалаш техник воситалари ва технологиянинг стишмаслигидир.

Ифлосланган жунни тозалашнинг турли хил усуллари ва технологиялари мавжуд бўлиб, улар хунта бирламчи ишлов бериш корхоналарида амалга оширишга мўлжалланган. Бун- дай жун тозалаш технологияларидан бири ўта ифлосланган жунларга кимёвий ишлов беришдир. Жунни тозалашда кимёвий ишлов бериш (карбонлаш) усули, механик усул билан бирга амалга оширилади. Бу усул кимё-механик усул деб аталади. Бунда, ифлосланган жунлардан ифлосликлар- нинг ажралишини енгилаштириш учун ёпишқоқ ўсимлик уруғларининг илмоқчаларини мўртлаштириш, парчалаб юбориш учун корбонлаш, яъни жунни судда сульфат кис- лотанинг 4-5% ли эритмасида маълум вақд (бир неча дақиқа) ивтилади. Шунда ифлос жун таркибидаги қўйतिकон ва бо- шқа ўсимлик уруғларининг илмоқчалари кислота эритмасида кўмирланиб, мўртлашади. Сўнгра бу жунлар тоза илик сувда ювилиб, сўнгра қурилади. Жун намлиги 16-17% гача қуригач жунга механик ишлов берилади. Механик ишлов таъсирида мўртлашган тикон илмоқчалари тезда парчаланиб, жун толаларидан ажратиб олинади.


Жунга кимёвий ишлов берилганда жуннинг узилишга бўлган мустаҳкамлиги камаёди. Бу ҳолат айниқса, жунга механик ишлов бериш жараёнида кузатилади. Кимёвий ишлов натижасида толанинг қобик қисми қисман емири- лади, эластиклиги пасаяди, чунки жун толаси аминокис- лоталар ва кератинлардан ташкил топан. Толадаги кератин бошқа кератинларга нисбатан фарқли ўлароқ, таркибида ол- тингугурт моддаси бўлган мурак- каб тузилишли органик бирикма

— N—C ————— ҳисобланади. Н.В.Рогачев, В.А.-
■ .. Федеров (1967), Ш.М.Ризаев,
Н | О П (1985), А.И.Николаев ва А.И.Еро-
хинлар (1987)нинг кўрсатишлари- ча,
жун кератини таркибида 3-4% олтингугурт бўлади ва унинг
миқдори қанчалик кўп бўлса, жуннинг технологияси хусусиятлари
шунга пропорийОнал равишда юқори бўлади. Кўпчилик
олимларнинг фикрича, жун кератинида 20 дан ортик
аминокислоталар сақланади ва улар ўзаро амин ва корбоксил
гуруклари орқали бирикади.

Жун толаси кислоталар таъсирига нисбатан чидамлироқ ҳисобланади. Бунда аминокислоталарнинг ичида нтрикго- фан
аминокислотаси кўпроқзарарланади, аммо цитин ами-
нокислотаси ўзгаришсиз қолади. Кучсиз кислота эритмаси (4-5%)
жунга қйса муддатли (5-6 дақиқа) ишлов бериш толаларнинг

мустаҳкамлигига деярли таъсир қилмайди, фақат юқори
концентрацияси таъсиридагина тола қобиғи емирилади.
Кислоталар дастлаб кислота оксид гуруҳига таъсир қилади,
сўнгра айрим политпептид боғларни парча- лайди. Умуман, жун
кислоталарнинг бузувчи таъсирига анча чидамлидир-

Ишқорлар эса жун толасини емирувчи ҳисобланади.
Аминокислоталардан цитин, арганин, гистдин, серин каби
аминокислоталар кўпроқ емирилса, триптодсан аминокис- лотаси
ўз қолатини сақлаб қолади. Ишқорлар таъсирида



питан аминокислотасининг емирилиши, дисульфид боғ-
ланишларнинг издан чиқишига, пировард натижада жун толалари
чўзилишга, узилишга мустаҳкамлигининг пасайишига олиб
қелади.

(1) ифодада жун толаси таркибида дисульфид боғланиш
таъсирланган. Кератиннинг ишқорда эрувчанлиги ишқор
эритмасининг ҳарорати ва концентрациясига, жун толаси- га
таъсир этиш вақтининг давомийлигига боғлиқдир.

Ўтказилган тажриба натижаларида юқори концентрати- яли
ишқор билан ишлов берилган жун таркибидаги цитин
аминокислотаси анча камайганлигига (парчаланганлиги)
қарамадан толалар мустаҳкамлиги сезиларли даражада па-
сайган. Жун толаларига ишқор эритмаси билан ишлов бериш
жараёнида -C — S - S - C— дисульфид боғланиш бузилади ва —
C — S — C - боғланишли лиги, лантионин аминокислотаси ҳосил
бўлади. Жун толасининг шундай хусусияти борки, бунда кучли
15% ли ишқор эритмасида ўз хусусиятларини йўқотмасдан, наст
концентрацияли ишқорли эритмада жун толаси тезда
хусусиятларини йўқо- тади.

Демак, жунни тозалашда кимёвий ишлов бериш жун сифати
ва тозалаш жараенига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли
тозалаш қурилмалари ва жунга бирламчи ишлов бериш
технологиясини яратишда ушбу параметрларни эъти- борга олиш
лозим.

А.ХОСИЛБЕКОВ,

Самарканд қишлоқ хўжалик института.

АДАБИЁТЛАР

1. С.Ю.Юсупов. Пастбища и животноводство Узбекистана /Каракулевводства и экологии пустынь, esocar@rol.uz
2. Николаев А.И., Ерохин А.И. М.:—Овцеводство.-М.:Лег.нр.,1987.—С.110—111.
3. Рогачев Н.В., Федоров В.А. Первичная обработка шерсти,—М.:Легкая индустрия, 1967. —С. 12-20.

УЎТ: 577.4.388.59.

ЗООФИЛ ҲАШАРОТЛАР ВА ДЕЗИНСЕКЦИЯ

The article highlights the results of a study of the species composition of zoophilous insects in zoobiocenoses. There are recommended the methods of livestock disinsection and disinsection of livestock premises with pyrethroid carotene — 10 of Chinese production.

Республикаимиз чорвачилигида бозор иктисодиёти жара-
ёнларини тезлаштирилган равишда олиб борилиши чорва
молларининг режасиз миграциясига сабаб бўлмокда. Бу эса
аҳолининг шахсий ва фермер хўжаликларига эпизоотик ҳолатни
мураккаблашувига олиб келмокда. Яъни, чорва молларининг
носоғлом мухитдан соғлом хўжаликларга миг- рацияси туфайли
кўтггина касалликларнинг кутилмаган ҳудудларда тарқалиши юз
бермокда. Ҳозирги кунда Зоофил турларни, айниқса, синбовил
ҳашаротлар популяциялари экогенезини, яъни янги ҳудудларда
пайдо бўлиш Фено- менларини ўрганиш ва улар сонини регуляция
қилиш ма- салалари долзарб илмий-амалий аҳамият. касб этади.

Зообиоценозларда (чорвачилик фермер хўжаликалари)

ўрганиш ҳамда улар миқдорининг биотурғунлик ҳола- • тини
таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқи- котлар
Пайариқтуманидаги “Плем чорвадори” ва “Истик- лол”
чорвачилик фермер хўжаликларига ўтказилди. Қора- моллар
сақланадиган экотоплар (молхона ва айвонлар)да зоофил
ҳашаротлар эрталаб, сигирларни соғишдан олдин, туш пайти ва
кечги соғимдан олдин энтомологик туткич (сачок) ёрдамида
тутилиб, пробиркаларга жойлаштиридди. Йиғиб олинган ҳашарот
турлари ВИТИ арахноэнтомоло-

гия лабораториясида микроскоп МБС ва махсус энтомологи к жихозлар ёрдамида аниқланди.

Тажриба ўтказилган фермер хўжаликларида йил мобай- нида энг кўп учраган зоофил чивинлар (хашаротлар) тути- либ, уларнинг морфологик систематикаси (турлари) аниқ- ланди:

1. Stomoxys calcitrans L. Табиий, синантроп ва зоотроп популяцияларни шакллантирувчи кон сўрувчи чивинлар- нинг кенг тарқалган тури ҳисобланади. Улар чорвачилик биолари ва яйловлардаги ҳайвонларга хужум қилиб, қони билан озиқланади. Тажриба хўжаликларида жорий йилнинг апрель ойида бу хашарот учрамади, май ойида 32 (38,1 %), июнь ойида 36 (42,85 %), июль ойида 13 (15,46 %) ва август ойида 3 йусха (3,57 %) *Stomoxys calcitrans* аниқланди. Улар асосан ҳайвонлар (қорамол) танасида май — июнь ойларида жуда кўп микдорда (30 - 40 нус/бош) паразит- лик қилади.

2. Lyperosia titillans Bzz. Асосан яйловларда яшашга мос- лашган; йирик шохда ҳайвонларнинг қонини сўрувчи тур ҳисобланади. Май — июнь ойларида сигирларга хира паш- шадек ёпишади. Бир вақтнинг ўзида битта сигирга 200 ва ундан ортиқ *L. titillans* хужум қилиши кузатилди. Улар қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг маҳсулдорлигини кескин пасай- тириб юборади.

Тажрибаларимида *L. titillans* апрель ойининг охири де- кадасида битта қорамолда ўртача 57 учраган бўлса, май, июнь, июль ойларида максимумга етди (71 нус/бош).

3. Lyperosia irritans L. Тарқалиш ҳудудлари ва экологик хусусиятлари жиҳатидан *Lyperosia titillans*га ўхшаш бўлиб, ҳайвонлар соғлигига жиддий зиён етказиши билан тавсиф- ланади.

Тажриба хўжаликлари чорва молларида бу турдаги чивинлар апрел ойида учрамади, май ойида 16 (33,33 %), июнь ойида 23 (47,92 %), июль ойида 9 нусха (18,78 %) учраб, бошқа ойларида кузатилмади.

4. Musca domestica vicina Mcq. Ҳамма жойда тарқалган тур ҳисобланиб, уларни йил бўйи аҳоли яшайдиган бино- ларда ва молхоналарда учратиш мумкин. Бу чивин термофил тур ҳисобланиб, йилнинг иссиқ ойларида максимал даражада учрайди. Ушбу хашарот апрель ойида 67 нусха, май, июнь ва июль ойларида кўп учраши кузатилди.

5. Musca tempestiva Flin. Кенгтарқалган тур ҳисобланади. Қорамоллар танасида энг кўп паразитлик қилади. Чивин ёз ойларида иссиқ кунлари уй ҳайвонларининг кўзи, бурун ва оғиз бўшлиғи атрофига, тана терисининг яраланган жойларига хира пашшадек ёпишиб, озиқланади. Факультатив гематофагҳисобланиб асосан яйловларда, қишлоқхудо- дидаги чорвачилик хўжаликларида кўп ўчрайди.

6. Musca autumnalis Deg. Кенг тарқалган тур ҳисобланади. Бу турдаги чивинлар баҳор фаслининг охири ва ёз фасли- нинг бошларида ҳайвонларни кўплаб безовта қилади. Ёз ойининг иссиқ кунлари дашт ва яйловларда чорва ҳайвон- ларига кўплаб микдорда хужум қилади. *Musca autumnalis* чорва ҳайвонларининг конъюнктивал ҳалтасида яшовчи нематода *Thelazia rhodesi* Desm. нинг оралик хўжайини ҳисоблана- ди. Телязиоз касаллигининг асосий тарқатувчиларидан би- ридир.

7. Fannia canicularis L. Ўртача катталиқдаги (4-7 мм) тур ҳисобланади. Бу турнинг фаоллигини эрта баҳорда ва кеч кузда кўп кузатиш мумкин. Қорамол танасида езнинг иссиқ кунлари бир суткада 2 марта, яъни эрталаб ва кечқурун кўпайиб фаол ўчади. Галма-гал ҳайвонлар ахлати, чиқинди ва озиқ-овқат маҳсулотларига қўниши натижасида ош қозон - ичак инфекцияларини теваракка таркатади.

Тажриба хўжалигида ҳашаротларнинг урчиши учун энг қулай бўлган яъни, молхона, гўнг сақланадиган жойлар, гўнг оқизиладиган ариқчалар, чиқинди контейнерлари,

(стациялар) дезинсекция қилинди. Дезинсекция учун “Каратин-10” (Хитой) пиретроидининг 10 фоизли концентрат эмульсияси қўлланилди.

Препаратнинг 0.003 % ли сувдаги эмульсияси билан хашаротлар энг кўп тўпланадиган экологик гўшалар - молхона ичи, гўнг уюмлари, гўнгхона, молхона ва гўнгхона оралиғидаги ариқчаларни пуркагич аппарат ёрдамида дезинсекция қилинди. Сувли эмульсия нам шимилмайдиган юзаларга 50-100 мл/м² ҳисобида, нам шимилмайдиган юза- ларга 150-200 мл/м² ҳисобидасепилди. “Каратин-10” пре- паратининг 0,003 % ли сувли эмульсияси билан соғилмай- диган ва боқувдаги қорамоллар тери юзасига 3 литр/бош- дан, 1-2 ёшли қорамоллар - 1,5-2 литр/бошдан, 1 ёшгача бўлган бузоқларга 0,5-1,0 литр/бош ҳисобида сепилди.

Тажриба давомида “Каратин-10” препаратининг ҳайвон- лар соғлиғи ва маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатмас- лиги, зоофил чивинларга нисбатан эса 100 фоиз инсектицид самара кўрсатиши аниқланди.

Фермер хўжаликлари ҳудудида энтомозлар кўпайиши- нинг олдини олиш мақсадида, маиший чиқиндиларни сақ- ламаслик, чиқинди контейнерлар сақданадиган майдонча- ларни асфальтлаш, молхонадаги ахлат оқадиган ариқчалар ва полни бетонлаш ҳамда доимий тоза сақдаш, йилнинг иссиқ фаслларида молхоналарнинг дераза ва ромларини тўр билан қоплаш, молхонадан ахлат ва чиқиндиларни сув билан ювиш (гидросмыв) механизмлари ёрдамида гўнгхоналар- га чиқариш, бино ва иншоотларни тоза сақдаш, феромон- ли ёпишқоқтутқичлар, ҳимоя тўрлари ва пашшахоналар- дан фойдаланиш тавсия этилади.

Молхоналарни “Каратин-10” препаратининг 0,003% сувли эритмаси билан дезинсекция қилиш мумкин (бинодан молларни ташқарига чиқарган ҳолда). Дориланган бинога молларни 12 соатдан кейин (шамоллатилгач) киритиш мумкин. Соғилмайдиган ҳамда бўғоз сигирларни “Каратин-10” билан дорилаш тавсия этилмайди.

Хулосалар

1. Тадқиқотлар натижасида бирламчи, яъни табиий био- ценозларда (зооценозларда) *L. titillans*, *L. irritans*, *M. autumnalis*, *M. tempestiva*; иккиламчи, яъни зообиотоз- ларда *S. calcitrans*, *M. domestica vicina*, *F. canicularis* каби за- рарли, биопатоген хашаротлар кўплаб паразитлик қилади ва иқтисодий зарар етказиши.

2. Қорамолларни “Каратин-10” препаратининг 0,003 фоизли сувли эмульсияси билан дорилаш яхши самара бе- ради.

3. Чорвачилик биоларини “Каратин-10” пиретроидининг 0,003 фоизли сувли эмульсияси билан дезинсекция қилиш энтомацид самара беради.

А.РЎЗИМУРДОВ,
вет. фан. доктори, профессор
А.ИСМОИЛОВ,
Д.АБДУЛЛАЕВА,
кичик илмий ходимлар.

АДАБИЁТЛАР

1. Штакельберг А. А. Синантропные двукрылые фауны СССР. Изд АН СССР. М. 1956, 162 с.
2. Рузимурадов А. Паразитизм биологический. Оптимизация животноводства. ГП “Zarafshon ” наириёти. Самарканд, 2010, 157 с.
3. Рузимурадов А. Мухи, паразитирующие на кожных покровах домашних животных. “Паразитология”, Т. 8, в. 5, 1974, с. 447-448.

Махсус сон, 2016

соғиш хоналари ва аггпаратлари доимий равишда тоза хрлат- да сақланади. Йилнинг иссиқ ойларида молхона деразалари ҳимоя тўрлари билан қопланади. Хашаротлар кўплаб тўпла- надиган экологик гўшалар